ҚИШЛОҚ ХАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 11 февраль. Сешанба № 12 (5.785). Сотувда эркин нархда

Ислом КАРИМОВ:

МУЛКДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Илгари хабар қилинганидек, 6 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идораларо кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни кенгаш Раиси, Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, республика фонд биржаси фаолиятини такомиллаштириш ва фонд биржасида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Бугун муҳокама этиладиган масалалар мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга моликдир, деди Ислом Каримов мажлисни очиб. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг жорий йилдаги устувор йўналишларини белгилаб, мақсадларимизни яна бир бор аниқлаб олиб ҳаракат қилишимиз лозим. Бу эса ислоҳотларнинг дастлабки босқичларига назар ташлашни, хусусан, 1996 йил якунларини таҳлил этишни, йул қўйилган хато ва нуқсонларни бартараф қилиш йўлларини излашни тақозо этади. Зеро, ислоҳотлар узлуксиз давом этадиган жараёндир. Шу маънода жорий йил вазифаларини ўтган йиллардан ажратиб олиб, алоҳида белгилаб бўлмайди.

Кенгаш мажлисида республика Бош вазири У. Султонов, Бош вазир ўринбосарлари — молия вазири Б. Ҳамидов, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен, шунингдек, мазкур қўмита раисининг биринчи ўринбосари А. Абдуқодиров мажлис кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Ахборотларда таъкидланганидек, 1996 йилда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни кескин қисқартириш, молия ва пул кредит тизими, миллий валютани мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилди. Энг муҳим вазифа — ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилди, иқтисодий усиш кузга ташланди. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,6 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 6 фоиз, истеъмол товарлари 8,1 фоиз, ташқи савдо оборoти 1,4 баравар усди. Дон етиштириш ва харид қилиш, пулни хизматлар кўрсатиш, қурилиш ишлари, юкларни ташиш ҳажмлари аввалги йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайди.

Қатъий пул кредит сиёсати натижаси ўлароқ, пул эмиссияси анча пасайди. Бюджет танқислиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,5 фоизидан ошмади. Республика валюта биржасида 3,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги чет эл валютаси сотилди. Бу 1995 йилдагидан деярли уч баравар кўпдир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган инвестиция сиёсати давом эттирилди. Бу борада 7 фоиз ўсишга эришилди, 166,5 миллиард сўм миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилди. Чет эл инвестициялари 825 миллион АҚШ долларидан ортди, бу аввалги йилгидан деярли икки баравар кўпдир. Инвестицияларнинг 66 фоизидан ортиги ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Маҳсулотларнинг 150 дан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, корхоналарни акционерлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини ва фонд фаолиятини ривожлантириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, мулкдорлар синфасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Миллий даромаднинг 68,9 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қарийб 98 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор қиссасига тўғри келди. Барча ишловчиларнинг 70 фоизи ана шу тармоқда меҳнат қилди.

Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг айланмалари ўтган йили 1995 йилдагига нисбатан 4,8 баравар ўсди ва 8,3 миллиард сўмни ташкил этди. Акцияларнинг иккиламчи бозори айланмалари кўпайди. Улар акциялар умумий айланмасининг 30 фоизини ташкил қилди. «Тошкент» республика фонд биржаси, 12 та филиалга эга бўлган «Консаудит-информ» агентлиги ва 375 та инвестиция ташкилотларидан иборат фонд бозорининг яхлит инфратузилмаси шакланди.

Шунга қарамай айрим корхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳволи қийинлигича қолмоқда. Оборот маблағларининг етишмаслиги сезилмоқда. Дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳажми пасаймаяпти. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар секинлик билан бормоқда. Хўжалик юритиш усули ўзгармаяпти. Одамларда мулкка эгалик ҳисси секин ўйғонмоқда.

Биз иқтисодиётни янги тизимга ўтказиш, бозор муносабатларини шакллантириш борасида инқилобий сакрашларсиз, яъни тадрижий йўллан бордик, деди Ислом Каримов. Чунки айрим мамлакатлардаги каби иқтисодий ислоҳотларни муайян қон, ой ёки йилда амалга оширамиз, деб режалаштириб бўлмайди. Тажриба шуни тасдиқлардики, бу ишлар қутилганидан ҳам мураккаб, ҳаёт талаби қаттиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, бозор муносабатларига ўтишнинг биз ишлаб чиққан беш тамойили ҳаётга мос эканлиги исботланди. Биз ислоҳотларни амалга оширишда босқичма-босқич, оддийдан мураккабга қараб эволюцион йўллан бориб тўғри қилдик. 1991 йилда олдимизга муайян вазифалар қўйган бўлсак, кейинги йилларда ана шу вазифаларни амалга оширишнинг қонуний асосларини яратдик. Сўнгги икки йилда эса мураккаб вазифаларни ҳал эта бошладик. Бу давр мобайнида ислоҳотларнинг қонуний асослари, бозор ҳақидаги тушунчаларимиз такомиллашди. Таъбир жоиз бўлса, бу йўлда эришган энг катта ютуғимиз — одамлар онгида рўй берган ўзгаришдир, уларнинг меҳнатга, мулкка бўлган янгича муносабатидир, дея таъкидлади Президент. Лекин ҳамон кўпчиликда, айниқса турли бўғин раҳбарларида замон руҳини ҳис этмаслик, янгиликни қабул қила билмаслик, боқимандалик қайфияти мавжуд. Биз бу сарқитлардан халос бўлмас эканмиз, кутилган натижаларга эриша олмаймиз.

Ислоҳотлар жараёнида 1997 йил ҳам ўз муаммолари билан иқтисодий тараққиётимиздаги ўзига хос бир босқичи бўлади, албатта.

Биз ана шу жорий йилдаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилар эканмиз, аввало, нималарга аҳамият бермоғимиз лозим?

Шуни таъкидлаш керакки, ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий, энг катта мақсади, устувор йўналиши Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатдир. Бизнинг қабул қилган барча фармону қарорларимиз, қонунларимиз ҳамма ишимиз ана шу мақсадга қаратилгандир. Бу вазифаларни ҳал этмасдан қутилган натижага, ҳаётимизда, иқтисодиётимизда исталган ўзгаришларга эришиб бўлмайди.

Саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, иқтисодиётнинг барча соҳаларида мулк ҳақиқий эгаси қўлига ўтиши керак. Одамлар онгига мулкка эгалик ҳиссини сингдириш лозим. Барча фонд биржалари, қимматли қоғозлар бозорларининг фаолияти одамлар онгида эгалик ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиши даркор.

Биз аҳолининг кескин табақалашувига йўл қўймаймиз. Яъни, бизда энг бой ва ўта камбағаллар бўлмайди, балки ўртача мулкдорлар синфи қарор топади. Бу синф иқтисодиётда, борингки, мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутиши, асосий таянч бўлиши керак, деди юртбошимиз.

Бу синфни шакллантириш учун бизда барча шароит, ҳуқуқий асос бор. Унга амалий ва моддий ёрдам берувчи янги тузилмалар, барпо этилган. Лекин нега бу масалада ўзгариш бўлмаяпти? Янги иҳтимоий тоифа ўзини намоён этолмаяпти. Бу синфнинг ҳаётимизга таъсири сезилмаяпти. Бусиз биз ўз муродимизга етишимиз қийин-ку!

Бир қарашда деҳқон, фермер хўжаликлари, хусусийлашган корхоналар бошлиқлари, чиқарилган акцияларни сотиб олганлар — яъни мулк эгалари бор. Лекин уларнинг дунёқараши ўзгаряптими, ўз манфаати учун курашяпти-ми? Бу саволларга тўла ижобий жавоб бериш қийин. Чунки уларнинг кўпчилиги ҳали-ҳамон Президент бор, ҳукумат бор, ҳокимликлар бор, ҳамма муаммоларимизни улар ҳал қилиб беради, деган эски қайфият билан юрибди. Кредит олишга эришиш, янги технология, ускуналар олиб келиш борасида ҳам ана шундай «олма пиш, оғзимга тўш» қабилидаги ҳолат ҳукмронлик қилмоқда. Бу

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ХОРИЖИЙ КРЕДИТЛАР БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 31 январдаги 1702-сон Фармонини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Лойиҳаларни танлаб олиш тартиби ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун жалб қилинадиган хорижий кредит линиялари ҳисобига кичик ва ўрта корхоналарга кредитлар бериш схемаси тасдиқлансин.

2. «Ўзисиқболстат» Давлат қўмитасининг ўз ҳузурида, ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида кичик ва ўрта тадбиркорликни маблағ билан таъминлашга кўмаклашиш маркази тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин ва унга:

республиканинг турли тармоқлари ва минтақаларидаги кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга оид таклифларни ўрганиш ва умумлаштириш ва шу асосда инвестиция лойиҳаларига бўлган таклифлар ва талабларга оид маълумотлар банкини шакллантириш, даврий ахборот бюллетенини чиқариш ва уни манфаатдор тузилмалар ўртасида тарқатиш;

тармоқлар ва минтақаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, хом аше ресурслари ва зарур инфраструктура мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришларни оқилона жойлаштиришда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш;

лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш ва Узбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритиш тўғрисида «Ўзисиқболстат» Давлат қўмитасига таклифлар тайёрлаш юклансин.

«Ўзисиқболстат» Давлат қўмитаси 15 кун муддатда кичик ва ўрта тадбиркорликни маблағ билан таъминлашга кўмаклашиш маркази тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Давлат солиқ қўмитаси Миллий банк билан биргаликда бир ҳафта муддатда жалб қилинаётган хорижий кредитлар ҳисобига олиб келинадиган технологик ускуналар учун кичик ва ўрта корхоналарни импорт бож пошлиналари тўлашдан озод қилиш тартибини белгиласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи «Ўзинвестлойиҳа» компаниясининг вилоят бўлинмаларига ва Узбекистон банклар уюшмасининг шўъба тузилмаларига офислар ажратишда, малакали кадрлар билан таъминлашда ва бошқа ташкилий масалаларда амалий ёрдам кўрсатсинлар.

5. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликни Узбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 январдаги 1702-сон Фармони ва мазкур қарорга мувофиқ ўзгартириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов ва В. Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 7 февраль.

Тадбиркор раҳбар — олтин фондимиз

ЕР — ХАЗИНА

— Мустақилликка эришган юртимизда қисқа муддат ичида бир неча ўн йилликларга татийдиган улуғвор ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз томонидан олдимизга қўйилаётган вазифаларни бажаришга астойдил интиляпмиз. Аҳолини якка тартибда уй-жой қуриш ва томорқага бўлган эҳтиёжини қондириш ҳақидаги ҳукумат қарори асосида сўнгги беш йилда хўжалик ҳудудидаги Унҳаёт, Машад фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳолига 300 гектардан ортиқ ер бўлиб берилди. Юзлаб хонадонларда ҳовли тўйлари утказилди. Айни пайтда хўжаликда 32 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Янги уйжойлар қурилиши билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳам кўпайди. Ҳозир деярли ҳар бир хонадонда сигир-бузоқ боқилмоқда. Мўъжазгина иссиқхонада қучат, эртаги сабзавот етиштириш йўлга қўйилган. Эндиликда хонадонларда ҳам томорқадан йилига 2-3 мартадан ҳосил олиняпти.

Уйчи туманидаги А. Мўминов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Рустамжон ИСМАТУЛЛАЕВнинг мулоҳаза ва таклифлари

* * *

Жамоамиз экин майдони ўлчовли. Бир томони вилоят марказига туташган. Ўтган йили 265 гектардаги бошоқли галланинг ҳар гектаридан 61 центнердан дон олдик. 510 гектар ерга чигитнинг «Фарғона-3» навини экиб, 42,3 центнердан хирмон кўтардик. Ғанибой Маллаев, Абдужаббор Дадамирзаев, Эргашбой Маллабоев, Ҳалимжон Маҳкамовлар бошлиқ бригадаларнинг омилкор деҳқонлари эса гектаридан 48—52 центнердан пахта топширдилар.

Чинакам деҳқон ер қадрига етади. Галла йиғиштириб олингач, экин майдонларини одамларга бердик. Улар шартнома асосида шоли, маккажўхори ва бошқа экинлар экиб, мул ҳосил олдилар. Галладан бўшган бирор қарич ер бекор қолмади.

Бўлтурги натижаларни сарҳисоб қилсак жами олган даромадимиз 52 миллион сўмдан ошди. Қурилган соф фойда 6 миллион сўм бўлди. Рентабеллик даражаси 15,3 фоизни ташкил қилди. Хўжаликнинг молиявий аҳволи янада яхши бўлиши мумкин эди. Лекин гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари пулни вақтида туламаяпти. Ваҳоланки, йил бошида шартномалар имзоланганда топширилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб олдиндан амалга оширилади деб қуюқ ваъдалар берилганди. Вазирлар Маҳкамасида шу йил 27 январда бўлиб ўтган йиғилишда қатнашар эканман, бу ерда кўтарилган долзарб масалалар мени гоятда тўлқинлантириб юборди. Юртбошимиз «...қишлоқ хўжалигида олиб бораётган ислоҳотларимиз кутилган натижани бермаса, умумиқтисодиётда ўзгаришга эришиш қийин. Зеро, бизнинг ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ, саноат корхоналаримизнинг кўп қисми қишлоқларда етиштирилган хом аше асосида ишлайди. Агар халқимизнинг 65 фоизи қишлоқларда яшашини назарда тутсак, масаланинг нечоғли муҳимлиги янада ойдинлашади», деб бежиз уқтирмадилар. Бу гап бевосита хўжалик билан олди-берди қилувчи корхоналарга тегишли. Етиштирилган маҳсулотимизни арзон-гаровга олиб пулига келганда пайсалга солиш улар учун одатий ҳолга айланган. Бундай вазият пиллачиликда ҳам ҳукм суряпти. Аммо пиллакорларга имконият топиб пулларини беряпмиз. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда хўжаликларнинг молиявий аҳволини танг қиляпти.

Ҳозирда хўжалик ҳудудида 60 ўринли касалхона, беш жойда фельдшер-акушерлик, иккита шифокорлик пункти, 100 га яқин маиший хизмат шохобчаси, учта алоқа бўлими, Халқ банкининг 10 та бўлими ишлаб турибди. Кейинги икки йилда 300 кишилик ишчи ўрни яратилди. Қишлоқ хўжалигидан 100 нафар киши озод қилиниб, бошқа соҳаларга жалб этилди. Машад қишлоғи марказида гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда яна қўшимча иш жойлари, 6 та кичик ердамчи корхоналар ташкил қилинади.

Вазирлар Маҳкамасида утказилган йиғилишда қуплар қатори менга ҳам сўз беришди. Умуман унда сўзга чиққан ҳар бир нотиқнинг гапи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганларнинг юракларидан жой олди. Ишимизда тўсиқ бўлаётган муаммолардан бири қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган мутасаддиларнинг фаолияти билан боғлиқ. Мавжуд техниканинг аксарияти эскирган. Тракторларнинг у ёки бу жойи бузилиб, тўхтаб қолиш ҳоллари деярли ҳар куни, ҳар соатда юз беради. Механизатор, бригадир, инженер эҳтиёт қисм қидириб бормаган жойи қолмайди. Турли хусусий фирмалардан эса бир неча баробар қимматга сотиб олишимизга тўғри келяпти. Ваҳоланки, бундай эҳтиёт қисмларни «Агромашсервис» ташкилотлари орқали марказлашган ҳолда таминлаш йўлга қўйилганда ташвишимиз камаярди.

Ер кадастири тўғрисида бўлдирилган фикрлар менга ҳам жуда маъқул. Дарҳақиқат, ернинг унумдорлигидан тортиб, сув ҳавзаларидан қанчалик йироқда эканлигига эътибор бериш керак. Масалан, Эргашбой Маллаболев, Ёқубжон Илашев бошлиқ бригадаларнинг Овчибулоқ массивидаги 100 гектар майдонида ўтган йили ер ости сувлари кўтарилиб, мевазор боғлар қурий бошлади. Пахта, галла майдонларидаги ҳосил пасайиб кетди. Бунинг олдини олиш учун хўжаликнинг ички зовурини ковладик. Ярим километр узунликда янги зовур очилди. Бу эса ер ости суви кўтарилишининг олдини олади.

Ўтган йили пахта тайёрлаш режасини 25 сентябрда бажарган эдик. Бошқа соҳаларда ҳам давлат буюртмаларини барвақт адо этдик. Президентимизнинг Андижон ва Наманганга ташрифлари чоғида пахтачиликда эски усуллардан воз кечиш кераклигини айтгандилар. Бундан хулоса чиқариб Абдужаббор Дадамирзаев бошлиқ бригадада пленка остида ғўза парваришлаб ўзимизча тажриба қилдик. Ана шу жойдан 60 центнердан ҳосил олдик. Бу йил эса андижонликлар усулида 150 гектар ерда пленка остида ғўза устириб баракали хирмон яратишни мўлжаллаяпмиз. Ерларни экишга шайлаб қўйдик, тобига келиши билан пуштасига экиб кетаверамиз. Етарли уруглик бор. Сеялка олиб келдик.

Ҳосилдорликни оширувчи омиллардан маҳаллий ўғит жамғариш қизғин давом этяпти. Садриддин Турғунов раҳбарлигидаги гуруҳ 10 минг тонна ҳосил малҳами жамғариш ҳаракатини жадал давом эттираяпти. 300 гектар ерни жорий текислаб, борона қилинди.

Инсон манфаатлари йилида ҳар бир меҳнаткаш мўмай даромадли бўлиши учун чора-тадбирлар белгилаганмиз. Фойдаланилмаётган бир гектар майдондаги эски иссиқхонани бузиб материалларини бригадаларга бўлиб бердик. Ҳашар йўли билан 11 жойда муъжазгина иссиқхоналар ташкил этилди. Ҳозир бу ерларда бақлажон, булғор қалампири, карам, помидор қўчатлари барқ уриб ўсаяпти. Хўжалик эҳтиёжидан ортиқча қўчатларни эса сотамиз. Бошқача айтганда, ана шу иссиқхоналар шарофати билан ҳар бир бригада эртанги сабзавот, кўчат етиштириб, апрель, май ойларида аъзоларга беш юз минг сўмдан пул тарқатади. Хўжалик бўйича бу камида 4 миллион сўмни ташкил қилади.

Аста-секинлик билан жамоа мулкчиликнинг бошқа шаклига — пайчилар уюшмасига ўтади. Хонадонларда етиштириладиган маҳсулотларни сотиб олишни мўлжаллаяпмиз. Мева, сабзавотларни ўзимизда қайта ишлашни йўлга қўямиз. Шу билан бирга чорвачилик маҳсулотларини ҳам хўжаликнинг ўзида қайта ишлаб савдога чиқармоқчимиз. Хўжалик, туман марказида, Наманган шаҳрида махсус фирма дуконларини очамиз. Булар ҳам иқтисодиётни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЭКИШГА ШАЙ

АНДИЖОН. Балиқчи туманидаги «Бўстон» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари Инсон манфаатлари йилида самарали меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириш ниятидалар. Туманда биринчилардан бўлиб баҳорги чигит экишга катта тайёргарлик ишлари кўриб қўйилди. Майдонлар шўри ювилди, техника сифатли таъмирланиб, чигит экиш мавсумга тахт қилиб қўйилди. Айни кунларда ариқ-зовурлар тозаланиб, далага маҳаллий ўғит чиқарилмоқда. Ўтган йили уюшма деҳқонлари 250 гектар ерга пленка остига чигит экиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Бу йил ишбилармон деҳқонлар 11 минг 805 гектар ерга чигит қадаш ниятидалар. Шундан 7300 гектар ерга чигит пленка остига экилади.

НАВРУЗ БАЙРАМИ ОЛДИДАН

ҚИШЛОҚ АҲЛИГА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВ

Марҳамат туманидаги «Машъал» жамоа хўжалиги аҳли умумхалқ баҳор байрами — Наврўз арафасида тиббиётнинг барча талабларига мос келадиган соф ичимлик сувидан истеъмол қила бошлайди.

«Оби ҳаёт» республика бирлашмасининг «Сименс» компанияси билан ҳамкорлиги туфайли хўжаликнинг марказий қўрғонида Германиядан келтирилган сувни тозалайдиган замонавий ускунани ўрнатиш ниҳоясига етди. У бир соатда артезиан қудуғидан чиқадиган 45 куб метр сувни ёдон тозалаб, қувурга юборади. Сув қувурдан оқиши учун босим билан таъминлайдиган минора қуришга ҳам ҳожат йўқ, ускунанинг ўзи сув энг олисдаги уйларга етадиган даражада босим ҳосил қилади.

«Оби ҳаёт» бирлашмаси механизациялашган колоннаси жамоаси Узбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш хусусидаги фармонини амалга ошириш йўлида гайрат билан меҳнат қилиб, Жалолқудуқ туманининг Эсонов номидаги ва Бўз туманининг Бобур номидаги жамоа хўжаликларида «Сименс» компаниясининг яна иккита ана шундай ускунасини ўрнатиш ва созлаш ишларини ниҳоясига етказмоқда. Бу икки хўжалик аҳли ҳам шу йилнинг биринчи ярмида сифатли ичимлик сув билан таъминланади.

К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.

ХОНҚИЗЛИКЛАР АНДИЖОН УСУЛИГА ЎТИШЯПТИ

«Янги ҳаёт» Фарғона туманидаги илғор жамоа хўжаликлардан саналади. Унга 40 йиллик тажрибага эга, уста пахтакор Рўзимат Раҳимов раҳбарлик қилмоқда. Янгиликка чанқоқ ишбилармон раҳбар ҳар йили пахтадан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлмоқда. Пахтакорлар учун оғир бўлган 1996 йилда ҳам йиллик режани биринчилар қаторида бажаришди.

Мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг «Республика қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг бориши ва 1997 йилдаги асосий вазифалар» тўғрисида мажлис қарорини ўзларининг ҳаракат дастури деб қабул қилган жамоа аъзолари ислоҳотларни дадиллик билан амалга оширмоқдалар.

Пахтачиликда Андижон технологиясини жорий қилиш ҳаракатига қўшилган хонқизликлар бу йил 300 гектар майдонга пленка остига чигит экишни режалаштирдилар. Янги усулда чигит экиладиган карталар аллақачон белгиланиб, ер майин шудгорланди.

Андижонда тайёрланган 90 схемасида қўшқаторлаб ва якка қаторлаб чигит экадиган сеялкалар синовдан ўтказилди, махсус жойда чигит экиб кўрилди.

Хўжаликда мавжуд техникани авайлаб-асраш, уларнинг фойдаланиш муддатини узайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Марказий устахона мудири Юсуфжон Мирзаматов бошлиқ механизаторлар экиш мавсуми учун зарур бўлган барча техникани сифатли таъмирлаб қўйдилар. Устахонада прицеплар, тракторлар бир карра кўздан кечирилиб, таъмирланди. Техникани мавсумга созлаш ишларида механизатор Авазбек Қўшматов, Рўзали Ахатов, Уроқбой Тешабоев, Аъзамбек Тошпўлатов, Сойибжон Мирзаев ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир «Янги ҳаёт» далаларида ерларни текислаш, суғоришга ҳозирлаш ишлари қизғин. Ариқлар, сув йўллари тозаланмоқда, боғларда мевали дарахтларга шакл берилаяпти. Боғбонлар инсон манфаатлари йилида давлатга 63 тонна мева, 30 тонна узум топширишни режалаштирдилар.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Ислом КАРИМОВ:

МУЛКДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан узоққа бориб будадими? Бизнинг 1997 йилдаги устувор вазифаларимиздан бири ана шундай кайфиятларга барҳам беришдан, мулк эгаларининг мустаҳкам оёққа туриб олишини таъминлашдан иборатдир. Улар ҳеч нарсадан чўчимасдан ҳаракат қилиши лозим. Охир-оқибатда давлатнинг таянчи ана шу мулкдорлар синфи бўлиши керак.

Узбекистонда албатта кўп укладли иқтисодиёт қарор топади. Давлат мулки ҳам, жамоат мулки ҳам, шахсий мулк ҳам бирдек ривожланиши учун барча шароит яратиб берилади. Асосий қонунимизда қайд этилганидек, давлат шахсий мулкни ҳимоя қилади. Бу бизнинг бош йўлимиздир.

Лекин одамлар дунёқараши шунга мосми? Айтайлик, бир завод мулки давлат тасарруфидан чиқарилиб, акциялари сотилди. Ана шу акция эгалари завод фаолиятида, уни бошқаришда ўз овози билан фаол иштирок этиши лозим. Бошқача айтганда, корхонанинг тақдирини, ҳаёт-мамотини директор эмас, балки акционерлар ҳал этиши лозим. Амалда эса қўшина жойларда акция эгалари директор бизга қачон дивиденд берар экан, дея қўл қовуштириб ўтирибди. Бу аввалги даврдаги ун учинчи маошни кутишни эслатмайдими? Демоқчиманки, акция эгаси фақат даромаддан улушини олувчи эмас, балки ўзини ана шу корхонанинг эгасиман, деб ҳис этиши керак. Биз одамлар дунёқарашини ўзгартириш деганда ана шу жиҳатларни назарда тутамиз.

Идораларо кенгаш таркибида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл фирма ва корхоналарининг вакиллари ҳам бор. Президент йиғилганларга, хусусан чет эллик кенгаш аъзоларига «Сизлар Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун 1997 йилда нималарга аҳамият бериш керак, деб ўйлайсиз», деган савол билан мурожаат қилди. Мажлисда сўзга чиққан Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки вакили И. Каваниши, техникавий ҳамкорлик бўйича Германия жамиятининг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи К. Третнер, «ДЭУ корпорейшн» ижроча директори, компаниянинг Марказий Осиё минтақаси бўйича президенти Чон Хи Чу, «Файз» хиссадорлик жамияти бош директори М. Азимова мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун қулай шароит яратилгани, хорижий сармояларни мустаҳкам ҳимоя қилиш тизими мавжудлиги, бу эса хорижлик иш одамларини мамлакатимизга жалб этаётганини таъкидладилар. Инфляция даражасини қисқартириш, қимматли қоғозлар бозорини фаоллаштириш, солиқ тизимини такомиллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Корхоналар бир меъёрда ишлаши учун ўз айланма маблағига эга бўлиши керак, деди Президент. Бунинг учун эса хусусийлаштириш туфайли вужудга келадиган имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим. Хусусийлаштириш корхоналарга сармоя келишининг омили бўлиши даркор. Акциялар доимо ҳаракатда бўлиши, айланиб туриши, ана шунинг натижасида корхонага даромад келтириши шарт. Бунинг учун эса акцияларни жамоага, давлатга, чет эллик инвесторларга ва эркин сотувга оқилона тақсимлаш зарур. Бизнингча, бунда жамоанинг улуши 30 фоиздан ошмагани мақсадга мувофиқ.

Иқтисодиётга маблағ жалб этишнинг асосий йўлларидан бири акцияларни эркин тарзда сотишдир. Бу аҳоли қўлидаги ортиқча пулларни ишлаб чиқаришга киритиш имконини беради. Шу ўринда бу иш бизда нега қўпилдагидек амалга ошмаётганига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Нега бизнинг юртдошларимиз ҳамон ортиқча пулни ёстиқ остида сақлашни афзал кўради?

Мана, мустақиллик боис дунёга чиқдик. Чет элларни кўряпмиз. У ерларда бирор одамнинг қўлига пул тушса, уни кўпайтиришнинг йўлини қидиради. Пулини ё банкка қўяди, ёки янги иш очади, бизнес қилади. Бизда эса қўлига пул тушган одамнинг негадир бошқа айланиб қолади, тўқликка шўхлик қилади. Нега шундай? Нега у пулини банкка қўймайди? — дея савол берди Президент. Чунки унда шуро давридан қолган қўрқув бор. У пайтлар бадавлат одамни қуролмаслик кайфияти ҳукмрон эди. Қолаверса, унда банкка пула ишонч йўқ эди.

Бу вазиятни қандай ўзгартириш мумкин? Бунинг учун аввало одамлар онгидаги ўша кайфиятларни ўзгартириш керак. Қолаверса, бу масалани давлат даражасига кўтариш, уларни ҳимоя қилиш лозим. Чунки фуқаролари бой бўлган мамлакаттина бой бўлади, деган ҳақиқат бор.

Фуқароларимиз шуни яхши билсинки, биз ҳеч кимнинг чунтагидаги пулни хисоб-китоб қилмаймиз. Пул топибдими, ҳалол бўлсин. Ҳуқуқ-тартибот, назорат идораларининг ходимлари ҳам ана шу ақидага амал қилишлари даркор.

Бизда ўтмишда ҳам бойлар бўлган. Улар, бизга Шуро даврида ўқитирганларидек, золим бўлмаган. Бой-бадавлат одамнинг бугун маҳаллага, қишлоққа нафи теккан. Шунинг учун ҳам биз бой-бадавлат одамларга нисбатан қарашимизни ўзгартиришимиз керак. Давлат, жамоа ишини бажариб қўйгандан кейин ўз манфаати йўлида меҳнат қилсин, бола-чақасининг ризқини кўпайтирсин, бойлик орттирсин. Биз буни фақат қуллаб-қувватлаймиз, деди Ислом Каримов.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг яна бир йўли эса акцияларни хорижий инвесторларга кўпроқ сотишдир. Улар бу жараёнда корхоналарга сармоя киритиш орқали фаол иштирок этишлари мумкин. Шунга интилиш керакки, бундай акциялар салмоғи ўртача 25 фоизни ташкил этсин. Бу 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг натижаси тобора яққолроқ кўринмоқда. Буни ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-сотиқ кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистон уларнинг барчаси билан ижобий сальдога эга. Биз барча хорижий давлатлар билан маърифий савдони йўлга қўйганмиз. Бу барча ҳисоб-китоблар эркин алмашиладиган валютада амалга оширилади, демакдир. Россия эса бизни кўпроқ бартер йўли билан ҳисоб-китоб қилишга ундамоқда. Бу бизга маъқул эмас. Мисол учун, нега ҳар жиҳатдан афзаллиги аён «Кэйс» турганда самараси паст комбайнларни сотиб олишимиз керак?

Хуллас, бозор иқтисодиётига ҳар ким ўз йўлидан бораётир. Бу ғап инфляцияни жиловлаш усулларига ҳам тегишли. Ўзбекистонда бир неча ойлаб маош бермай қўйиш, шу йўл билан инфляцияни сунъий равишда ушлаб туриш ҳолатлари йўқ. Аксинча, бизнинг барча ҳаракатларимиз, утказаётган ислоҳотларимиз халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ватанимиз равнақини таъминлашга, буюк келажагимизни бунёд этишга қаратилган. Бошқача айтганда, одамлар ислоҳотта эмас, балки ислоҳотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилади.

Ҳар биримиз ана шу йўлда бор имкониятимизни ишга солишимиз, 1997 йилги устувор вазифаларни ҳал этишда камарбаста бўлмогимиз лозим. Бизнинг халқимиз оғир-вазмин, инсофу андишали, бунёдкор халқ. Шундай экан, порлоқ келажагимизни албатта бунёд этамиз. Шу эзгу мақсад йўлида барчангизга омад ва муваффақиятлар тилайман, деди Президент пировардида.

Йиғилишда идораларо кенгаш ва унинг комиссиялари таркибига қисман ўзгартиришлар киритилди.

Кенгаш мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Е. Жалолов қатнашди.

Аҳмад ҲЎЖА,
(ЎзА).

КИЧИК ТОМОРҚАНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Қайси бозорга борманг ял-ял товланган сархил, асалдек ширин мевачева, тилими тилни ёрадиган қовун-тарвуз, гўё саралангандек пештахтага тўкилган сабзавот ва картошкани етиштирган одамга «раҳмат» дейсиз. Савдолашиб бўлса-да, айнан шунақасини харид қиласиз. Кексалар айтганидек чиройли, сифати аъло нарса олган одамнинг пули ўзи билан кетади.

Агар эътибор қилинса, бозорларда сотилаётган ноз-неъматнинг олди ва аксарияти томорқаларда етиштирилган маҳсулот бўлади. Чунки ҳеч бир деҳқон, боғбон ёки соҳибкор рақобатда синишни истамайди. Доим бозори чаққон бўлишига интилади. Шунинг учун тўғри келганини эмас, сара уруғ, бўлиқ кўчат экади. Синалган яхши нав танлайди.

Ҳозир қиш. Шунга қарамай минг шукрки, юртимизда серобгарчилик. Киши ўзига керагини бозордан топади. Шошмай танлаб олади. Бу юзлаб, минглаб томорқа эгаларининг меҳнати мевасидир. Бугунги мақоламиз мавзуси ҳам шу ҳақда. Унда Паркент туманидаги томорқа эгаларининг ишлари хусусида ҳикоя қилинади.

Рисқибой ҲУСАНОВ, «Гулбоғ» жамоа хўжалигидаги томорқа соҳиби.

— Деҳқончилик мен ва фарзандларимга отаболаримдан мерос қолган касб. Инсон заминга қанчалик меҳр билан қараса у ҳам шунга яраша қайтаради. Эгасини тўйдиради, кийинтиради. Инсон тан жони саломат бўлиб, улуғ ишларни амалга ошириш учун биринчи навбатда тўқ бўлиши керак. Эли тўқ юрт бадавлатдир, деб бежиз айтилмаган.

Паркент узуми, майизининг довруғи республикамиздан ташқарига ҳам ейилган. Шу билан бирга бу ерларда етиштирилган картошка ҳам жуда мазали. Тошкент бозорларидаги олди, уриниб маган, йирик-йирик картошка бизда етиштирилган. Яхши ниятлар билан икки ўғлим, икки келиним ёрдамида 20 сотихга бултур кечки картошка эккан эдик. Яхши парвариш туфайли 3 тоннадан зиёд ҳосил олдик. Даромади ҳам баракали бўлди. Тўй қилдик, рўзгордаги етишмовчиликларни тўлдираяпмиз. Хуллас, томорқа орқасидан кам бўлаётганимиз йўқ.

— Ерингиз бундан-да каттароқ бўлса эплармидингиз?

— Албатта. Лекин биз атрофларда деҳқончилик қилинадиган ҳар қарич ер ҳисобли. Шу боис борим бут бўлсин, даромадим кўпайсин дегувчи қишлоқ одами қайси касбда ишламасин, деҳқончиликдан йироқлашмайди. Қолаверса, мўл-кўлчиликка ҳисса қўшасиз, бозорда арзончлик бўлади, кўпнинг савобини оласиз.

Ҳар йили жамоа хўжалигидан ер олиб сабзавот экинлари етиштираман. Ўтган йили 50 сотихга пиёз экдим. Меҳнатидан қочмай, астойдил парвариш қилган одам албатта кўзлаган ҳосилини ундиради. Пиёзнинг ҳам даромади баракали. Бирон таом йўқки, усиз тайёрланса. Пиёз сотса пул, алмаштирса мол, харидори доим топилади. Келишув бўйича ҳосилнинг 12,5 тоннасини хўжаликка топширдим. 10 тоннадан ортиғи ўзимга қолди. Ҳозир шуни сотяпман. Агар, қушимча ер бўлсами! Истаган одам имконият топади, бемалол эплаш мумкин.

Аҳмад ҲАМДАМОВ, Паркент шаҳри Дўстлик кўчасида яшайди, шахсий томорқа эгаси:

— Табиат инсонга ерни фойдаланиш, мўл ризқ ундириш учун берган. Уддалаган одам бир таноб ердан ҳам катта фойда олади. Фаровон, бекаму кўст яшашининг манбаи шунда. Мутахассислигим бошқа, аммо ерга ишлов бериш жону дилим. Бўш вақтимда оилам аъзоларига шу ишда кўмаклашаман. Миришкорликка меҳр қўйган одам учун эки-ни ҳосилини кўришдан ортиқ кувонч йўқ.

Қишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш ҳаётий зарурат

Ҳар кимга яхши аён, инсон саломатлигини мустаҳкамлашда, танани зарур дори-дармонлар билан таъминлашда кўкатларнинг аҳамияти беқиёс. Шуни ёдда тутиб ҳар йили кўкчилик билан шуғулланамиз, ортгани бозорга чиқади. Бу йил ҳам 1,4 сотихли иссиқхонада кўк пиёз, укроп, кашнич устираяпмиз. Яқин кунларда истеъмолга чиқарамиз. Кўкчиликнинг ўзидан мўмай фойда кўрамиз.

Халқимиз дастурхонидан узум, майиз ҳеч аримайди. Меҳмон олдига ҳам нондан кейин доим майиз қўйилади. Ҳар бир паркентлик ховлисида ток бор. Тог этагида етилган узумнинг мазаси ўзгача бўлади. Бизда ҳам 17 сотих ерда ток бор. Унинг тўрт тупи тоифи, қолгани кишмиш. Йилига 300-400 килограмм майиз тайёрлаймиз. Айнимайдиган маҳсулот, исталган пайтда сотувга чиқариш мумкин. Кўп меҳнат талаб қилмайди, фақат ҳафсала ва қунт қилиш керак. Сақлашни билиш даркор. Сотилгунча бир мулкдек тураверади. Майизнинг шифобахшлиги ҳақида олим ва ҳакимлар кўп ёзишган. У азиз неъматлардан ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб таклифимни билдирсам. Сабзавот, картошка, полиз уруғликлари, мевали кўчатлар етиштириш ва жойларда сотиш йўлга қўйилса. Иккинчидан шахсий томорқа эгаларига деҳқон газетасида маслаҳатлар, илғор тажрибалар бериб борилса, айни муддао бўларди.

Қайтишда Паркент деҳқон бозорини айландик. Янги бино янги йил арафасида фойдаланишга топширилибди. Пастда картошка, сабзавот маҳсулотлари сотиляпти. Юқорида эса олма, анор, майиз, кўклар. Нарх-наво билан қизиқдик. Картошканинг килоси 20-21 сум, сабзи 6 сум, пиёз 4-5 сум. Тайёрлов-савдо ташкилоти маҳсулотлари қаерда сотиляётганини эса... Тополмадик!

— Тузлама сотишаётганди, бир-икки кундан бери умуман кўринмай қолишди, — деди Паркент тумани деҳқон бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик уюшмаси раиси А. Ҳамдамов. — Яқин ўртада ундан бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишмади. Улар алоҳида ташкилот, биз билан алоқаси йўқ ҳисоби.

— Томорқа ва шахсий хўжалик эгалари маҳсулот топшириб, савдо қилишга ҳар бир деҳқоннинг ҳам вақти бўлавермайди-ку?!

— Албатта. Буни ҳисобга олиб бозор қошида маҳсулот қабул қилиб сотадиган бўлим ташкил этганмиз. Олинган нархига 20 фоиз қўйиб сотамиз. унинг ўн фоизи бозор ҳисобига ўтади, ўн фоизи сотувчига маош тариқасида тўланади. Бошида маблағимиз йўқ эди. Ҳар биримиз имконимиз даражасида улуш қўшиб маҳсулот-пул-маҳсулот айланма оборотини йўлга қўйдик. Мабодо паркентлик деҳқон маҳсулот топширса, сотгач пулини берамиз. Бошқа вилоятлардан келтиришса, банк орқали ҳисоб-китоб қиламиз. Мақсадимиз, пул муомаласини бир меъёрда сақлаш.

Ҳа, томорқа билганга тўғанмас хазина. Меҳнат эса шу хазина калитидир. Уни очиб, ола билиш инсоннинг ўзида қолган. Юртимизда ҳар қарич ернинг қадрига етадиган, тадбиркор томорқа эгалари минглаб топилади. Шуларнинг меҳнати, астойдил ғайрати туфайли бозорларда тўкинчилик.

Томорқа эгалари, хонадон соҳиблари етиштирган ноз-неъматларни истеъмолчиларга вақтида етказиш, жумладан бозорлар, тайёрлов-савдо идораларининг биринчи галдаги вазифаси. Имкони бор деҳқонга бозорда маҳсулотини бемалол сотиши учун яхши шароит яратилиши лозим.

Аммо Паркентдаги номи бору ўзи йўқ тайёрлов-савдо идорасининг «фаолияти» бизни ажаблантирди. Нега ушбу идора аҳолидан картошка, сабзи, пиёз, мева, узум харид қилиш тадбирларини кўрмаётир?

Дала-бозор ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш даркор. Керак бўлса, олдиндан шартнома тузиб, тайёрловчилар ҳосилни томорқадан ортиб кетишсин. Ахир, ортиқча чиқим ва оворагарчиликлар камайса, бозорларда нарх-наво пасаяди.

Ҳақиқий миришкор ерни яшнатади. Янгийул туманидаги «Янгийул» жамоа хўжалигида Нормуҳаммад Комиловлар хонадони бор. Ховлисидаги экин майдони етти сотих атрофида. Баҳорда бодринг, эртаги картошка экади. Уни йиғиштириб ўрнида кечки карам, сабзи етиштиради. Қишда эса пленка остида кўкат парваришлайди. Хуллас, ердан йил бўйи даромад келиши тўхтамайди. Иморат қуриш, орзу ҳаваслар асосан шунинг орқасидан.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси деҳқончилик бўлими мудири.

ДЕҲҚОНГА МАДАДКОРМИЗ!

ДЕЙИШМОҚДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА АГРОХИМЁВИЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КУЧЛИК ТУМАНЛАРАРО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ИШЧИЛАРИ

Ҳозирги замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини минерал ўғитларсиз тасаввур қилиш қийин. Мустақиллик шабадаси эса боқлагандан буён мамлакатимиз агросаноатида туб бурилишлар юз берди. Ер ҳақиқий ўз эгасини топди. Фан билан ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлиги мустаҳкамланаётир.

Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган Кучлик туманлараро қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари деҳқонларга намунали хизмат кўрсатиш учун алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ишга ташаббускорлик билан ёндошиш, тадбиркорлик билан фаолият кўрсатиш корхона ишчи-хизматчиларининг асосий шиоридир. Ўтган йили корхона жамоаси вилоятнинг турли жамоа хўжаликларига салкам 7 миллиард сўмлик хизмат кўрсатишди. Жойларга ўғитлар пешма-пеш етказиб берилди.

Жамоа аъзолари корхона ён-атрофидаги хонадонларни газлаштиришга ҳам муҳим ҳисса қўшдилар. 60 хонадон тўла «зангори олов» билан таъминлади. Бу иш учун 1 миллион 800 минг сўм сарфланди. Корхона ҳудудидаги сув келиш тармоғи ҳам тўла янгиланди. Бу ерга 1800 пагон метрдан ортиқроқ темир қувурлари сарфланди.

Деҳқон даласига ошиқяпти. У янги ҳосил тараддудида.

— Деҳқонлар мушкулини осон этиш бизга қарзу фарз, — дейди корхона раҳбари Талаб Муродович Кулменов. — Уларни вақтида зарур ўғитлар билан таъминлаш чораларини кўрмоқдамиз.

Ҳозирги қиш кунларида ҳам жамоада меҳнат сурьати сусайгани йўқ. Ўғитларни вақтида тушириш ва ортиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ҳамманинг нияти битта: 1997 — инсон манфаатлари йилида ҳар қачонгидан ҳам унумли, самарали ва сифатли ишлаш.

З. ОРТИҚХЎЖАЕВ.

1 Корхона раҳбари М. Кулменов бир гуруҳ фаоллар билан келгуси иш режалари хусусида суҳбатлашмоқда.

2. Ҳисобини билмаган хамёнидан айрилар дейишади. Бу жуда тўғри. Жамоа ҳисобчиси Валентина Владимировна (чапдан биринчи) ҳамкасблари Д. Нуриддинова ва К. Муродовлар билан.

3. Мухандис (чапдан) К. Кулменов, омборхона мудири К. Қирғизбоев ва экспедитор У. Ражаповлар.

4. Ўғит тушириш пайти.

К. ЎЛМАСОВ олган суратлар.



Қисқа сатрларда

● Яккабоғ туманидаги 19-ўрта мактаб қошида кичик корхона ташкил этилди. Унда эшик, дераза, бешик ва бошқа уй-рўзғор анжомлари тайёрланади.

* * *

● Деҳқонобод туманидаги «Оқработ» жамоа ширкат хўжалигининг Хўжа Маҳсуд қишлоғида янги бозор очилди. Уни қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан бунёд этди.

* * *

● Ғузор тумани М. Раҳмонов номидаги жамоа ширкат хўжалигида жаҳон тиллари лицейи очилди. Бу илм масканида инглиз, француз, немис, рус тиллари мукаммал дастур асосида ўқитилади. Ўқувчилар пухта билим олиши учун барча қулайликлар муҳайё.

* * *

● Бухоро вилоятида истиқомат қилаётган икки юздан кўпроқ эҳтиёжманд оила ҳар ойда 110 киловатт-соат электр энергиясидан бепул фойдаланадиган бўлди. Бухоро электр тармоқлари бошқармаси бу ҳайрли иш учун корхона фойдаси ҳисобидан 400 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Айни вақтда нурчилар қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари электр тармоқларини бепул таъмирлаб беришни ҳам зиммасига олди.

* * *

● Андижон вилояти Қорасув пайпоқ тўқиш фабрикаси ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини тиббий кўрикдан утказишни йўлга қўйди. Шу мақсадда корхона ёнгинасида замонавий ташхис қўйиш ва даволаш маркази барпо этилди. Беморлар марказ қошида ташкил этилган санаторий ва кундузги стационарда бепул даволанади.

* * *

● Касби тумани Алишер Навоий номидаги жамоа ширкат хўжалигида катта қувватли электр-энергия иншоотлари ишга тушди. Энди Миришкор ва Қаражон қишлоқлари хонадонлари электр билан бир меъёрда таъминланадиган бўлди. Келгусида бу ердан туман марказидаги қатор саноат корхоналарига ҳам электр қуввати етказиб берилади.

ИМТИЁЗЛАР КУЧ БЕРДИ

Қува туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги аъзолари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 январдаги мажлиси ҳужжатларини зўр қизиқиш билан ўқиб, ўрганиб чиқдилар. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш истиқболларини кўрсатувчи бу ҳужжатлар жамоа умумий йиғилишида маъқулланиб, 1997 йилда деҳқончиликнинг устивор вазифаларини белгиловчи мурожаатнома қабул қилинди.

— Жамоамиз иқтисодий ислоҳотлар йўлидан дадил бориб, ҳамма тармоқларда ижобий натижаларга эришмоқда — дейди хўжалик бошқаруви раиси О. Юсупов. — Утган йил деҳқончилик учун жуда мураккаб келган бўлишига қарамасдан пахта, ғалла топшириш режаларини ошириб бажарилди. Голландиялик илғор фермерлар усулида иш юритган деҳқонларимиз картошкадан мўл ҳосил олиб 15 миллион сўм даромад қилди. Хўжалик картошкачилик бўйича вилоят уруғчилик тармоғига айлантирилди. Чорвачилик маҳсулотлари ва мева, сабзавот, полиз экинларидан ҳосил етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Аҳоли томорқадан ҳар йилига икки-уч ҳосил олиш тажрибасини яхши ўзлаштириб олган.

Аҳолининг қишлоқ хўжалигида банд бўлмаган қисмини иш билан таъминлаш мақсадида 4 та фермер хўжалиги, атлас тўқиш, консерва, шарбат тайёрлаш, иссиқ нон цехлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кичик корхоналари, мебель фабрикаси ҳамда бир неча тегирмонлар қурилиб, ишга туширилди. 350 нафардан зиёд фуқарога ишчи ўрни яратилди.

1996 йилда хўжалик барча тармоқдан 100,3 миллион сўмлик даромад қилди. Шундан 10,8 миллион сўми соф даромад ҳисобланади. Моддий манфаатдорлик ортган сари халқнинг турмуш шароити, маданияти яхшиланиб бормоқда, аҳолининг 80 фоизи ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланди, 3 та қишлоқда маданий-маиший марказлар ташкил бўлди. Бу ишларга 10 миллион 177 минг сўм сарфланди.

Республика ҳукумати қишлоқ хўжалигига жуда катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги қарори хўжаликка катта имтиёзлар берди. Туловлар бўйича хўжаликнинг 34 миллион сўм қарзи муддати 2000 йилгача узайтирилди, 17 миллион сўм қарз давлат томонидан кечиб юборилди.

Жорий йилда бошоқли дон экинларидан 50 центнердан ҳосил олишга бел боғлаганмиз. Уз навбатида аҳолининг томорқа хўжалигига экилган 100 гектар майдондан ҳам 55—60 центнердан дон олишни режалаштирганмиз.

М.РАҲИМЖОНОВ.

ТАЖРИБА АСОСИДА

Абдувоҳид туманда биринчилардан бўлиб деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил қилганда баъзилар унга: «Ишинг юришиб кетиши мушкул-ов»дея шаъма қилишганди. Буни эшитиб ўзи ҳам турли хаёлларга борди. Кейин таваккал дея енг шимариб ишга киришди. Қийналди, тўсиқларга дуч келди лекин аҳдидан қайтмади. Сабр-тоқат қилиб қийинчиликларни енгди. Уч йил бурун ташкил этилган хўжалик оёққа туриб олди.

Утган йили ҳар гектаридан 47 центнердан дон, 31 центнердан пахта, 100 центнердан беда етиштирилди. Йил 2,5 миллион сўм даромад билан якунланди. Жами харажатларни чиқариб ташлаб ҳисоблашса, 600 минг сўм соф фойда қолди. Чўл шароитида фойда кўриш осон эмас.

Амалдаги йил деҳқончилигига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. 40 гектар ерга кузда дон экилган эди. Бир текис ундириб олинган галла майсалари меҳр билан парвариш қилинаяпти. Ариқ-зовурлар тозаланди. Эрта баҳорда чигит экиладиган майдонлар сифатли шудгорланди.

— Яқинда чигитни пленка остига экиш бўйича ўтказилган туман миқёсидаги семинар-кенгашда қатнашиб, кўп нарса ўргандим, — дейди А. Бегалиев. — Пахтага ажратилган ернинг бир қисмида шу усулда деҳқончилик қиламиз. Бизнинг шароитда яхши натижа берса, кейинга йилдан барча майдонларга чигитни фақат пленка остига экишни йўлга қуямиз.

«Истиқбол» деҳқон-фермер хўжалигида яхши натижаларга эришилаётгани гоят кувончли. Бу юртимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар, мулкка муносабат тубдан ўзгарганлиги туфайлидир. Бунинг натижасида Усмон Юсупов туманидаги ушбу деҳқон (фермер) хўжалигининг ҳам иқтисоди мустаҳкамланиб, имкониятлари доираси кенгаймоқда. Бу хўжаликнинг эртаси янада нурафшон эканидан далолатдир.

Ҳ. ПИРИМҚУЛОВ.

ИССИҚХОНАДА КЎКЛАМ НАФАСИ

Тошкент туманидаги «Турғун» агрофирмаси деҳқонлари бу соҳада бой тажриба тўплашган. Шу кунларда ушбу фирмага қарашли иссиқхонада бўлган киши тарқ пишган помидор, бодринг, қукатларни кўриб кўзи қувнайди. Ўзилган ноз-неъматлар пешма-пеш савдо расталарига жўнатилаяпти.

— Ниятимиз пойтахт аҳолисини узлуксиз сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, — дейди бригада бошлиғи Анвар Нуриддинов. — Жамоамизда сабзавотчиликда катта тажриба орттирган кишилар кўп. Уларнинг ғайрати туфайли белгиланган режа ва шартномаларни ошириб адо этяпмиз.

Ҳа, ташқарида қор-ёмғир бўлишига қарамай ойнаванд далаҳароратини бир меъёрда ушлаб мўл ҳосил етиштириш сабзавоткордан катта маҳорат талаб этади. Бу эл дастурхонини тўкин қилишда муносиб ҳисса қўшаётган М. Қўрғонбоева, Х. Ғуломова, С. Шоназарова, З. Назарова сингари фидойиларнинг астойдил ҳаракати натижасидир. Аҳил жамоа аъзоларининг келгуси режалари катта. Улар иссиқхоналарни кенгайтириш билан бирга ҳосилдорликни ошириш йўлида қатор тадбирлар белгилаб, иш юритмоқдалар.

Мана, ҳадемай жаннатмакон ўлкамизда кўклам фасли бошланади. Дов-дарахтлар қуртак ёзиб, атрофга гўзаллик бахшида этади. Мевали дарахтлар гуллаб, ҳосил тугади. Пахтакору сабзавоткорнинг ҳам серташвиш онлари бошланади. Хуллас, баҳор фасли тирик жонзот борки, ҳаммага руҳ, қувват бахш этади.

Халқимизни қишин-ёзин сабзавот ва цитрус мевалар билан таъминлаш учун фидокорона меҳнат қилаётган иссиқхона миришкорларининг эса ҳозир ҳам қўллари-қўлларига тегмайди. Айни аёзли кунларда аҳолини янги узилган сархил ноз-неъматлар билан таъминлаш йўлида сидқидилл меҳнат қилишмоқда. Шу боис катта бозорлар, муҳташам дуконлар маҳсулотлар билан тўлган.

Суратларда: 1. Бригада бошлиғи А. Нуриддинов тажрибали сабзавоткорлар М. Қўрғонбоева, Х. Ғуломова ва С. Шоназаровалар билан етилган ҳосил сифатини кўздан кечиришаяпти. 2. Илғор звено етакчиси З. Назарова.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ҚЎМСАШМИ ЁКИ ЛОҚАЙДЛИК?

Асл фуқарога бефарқлик бегона

Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир. Тилга эътибор—элга эътибор, деб бежиз айтишмайди.

Яратган эгамга минг шукрлар бўлсинки, кеч бўлсада, ҳақ қарор топди.

Шу кунларда тилимизга эътибор ҳар қачонгидан кучли тус олганлигини кўриб, киши дили яйрайди. Аммо ҳалигача юқоридан бўйруқ кутиб ўтирган лоқайд ва бепарволарнинг ҳаракатларни кўрганимизда таъбимиз хира бўлмай иложи йўқ. Ахир, ўзбек тилига давлат мақоми берилганига саккизинчи йил кетаётганига қарамай баъзи кўчалар ва топономик атамалар ҳали-ҳалигача эскича турганлиги ачинарли.

Яқинда иш юзасидан Янгибозор Момиқ ҳиссадорлик ишлаб чиқариш корхонасида бўлдим. Очиғи, мен бу корхона биринчилардан бўлиб тадбиркорликни бошлаб берганда жуда қувонган эдим. Уларнинг ҳозирги кунда қўлга киритаётган ютуқлари ҳам мақтовга лойиқдир. Аммо... корхонада бир тасвирга кўзим тушиб, ҳайратдан ёқа ушладим. Ё алҳазар, деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Нима учун дейсизми? Ахир, мустақиллигимизнинг олтинчи йилига қадам қўйган бўлсак-да, ўроқ ва болга тасвири бу корхонада ҳалигача ғулайиб турганлигини қандай баҳолаш мумкин?! Наҳотки, корхона раҳбарлари ҳар куни ишга келганда ёки ишдан кетишаётганда бу тасвирни кўриб, ғашлари келмаса? Ёки уни олиб ташлаб, қурнига мустақил Узбекистонимизни рамзи бўлган гербимиз ёки бўлмаса, миллий байроғимизни илиб қўйиш учун юқоридан буйруқ кутиб утиришганмикан?

Узбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 24-моддасида қуйидагилар ёзилган: «Узбекистон Республикасидаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жуғрофий-ҳудудий ўринларининг номлари ягона миллий шаклда белгиланиши ва расмийлаштирилиши лозим».

Аммо орадан кўп йил ўтган бўлса-да, мазкур моддада кўрсатилган ишлар айрим жойларда сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Масалан, Янгибозор маданият ва истироҳат боғига кираверишдаги газета ва журналлар сотиладиган дукон пешонасида ҳамон «Союзпечать» деган ёзув турибди. Бундан ташқари, туман марказида яна аллақанча жойларда урисча эълон ва лавҳаларни учратасиз.

Атоқли адибимиз Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг тил ҳақида шундай деб ёзган эди:

Сиз тилни асрангиз ҳар
недан ортиқ,
Ягона заминни асраган-
симон.
Боболардан қолган бу
ноёб тортиқ,
Токи авлодларга етол-
син омон.

Шоядки, холис фикримиз ўз эгаларини топиб олса...

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани.

ЯНГЛИШИШ

ёки хўжалик раҳбарлигига нолойиқ одамни қўйиш қандай оқибатларга олиб келгани хусусида

Бетга айтганнинг заҳри йўқ

Ҳар кимнинг ўзига яраша иқтидори, имконият чегараси бор. Масалан, сузишни билмаган одамга кема дарғалигини топширмайдилар. Борди-ю топширилса борми, кемадагиларнинг ҳолига вой деяверинг. Дарга биринчи бўрондаёқ кемани бошқаролмай ўзини ҳам, бошқаларни ҳам сувга ғарқ қилади.

Алиёр Арслоновнинг бугунги аҳволи ўша дарғани эслатади. У бир пайтлари машҳур бригадир эди. Саксонинчи йилларнинг довруқли деҳқони. Ўзи ҳам даласига ярашиб, тўлдириб юрарди. Туманга ким келмасин, хоҳ у мухбир бўлсин, хоҳ раҳбар тўғри унинг даласига бошлаб боришарди. Иззат-ифтихор билан таништиришарди, уни. Алиёр ҳам камтар, камсуқум эмасми, меҳмонларда яхши таассурот қолдирарди. Агар қизиқишса, қандай қилиб 40-45 центнердан пахта етиштириш «сир»ларини сўзлаб берарди.

Бундан уч йил муқаддам бу бинойидек бригадирни раисликка лозим кўриб қолишди. Оддий тракторчидан чиққан мўминқобил одам бўлса. Хуллас, Алиёр Арслонов раислик курсисига ўтирди.

Раислик курсиси юмшоқ, оромбахш. Шу билан бирга унинг елкадан ҳамиша босиб турадиган оғир юки, катта масъулияти ҳам бор. Бригадада қирқ-эллик атрофида одам ишласа, хўжаликда мингнинг нари-берисида киши меҳнат қилади. Уларнинг оиласини ҳам қўшиб ҳисоблаганда бир неча мингни ташкил этади.

Ҳамма гап шундаки, А. Арслоновни раисликка лозим кўрган раҳбарлар унинг яхши деҳқон, яхши бригадир эканлигини, яна мўмин-қобиллигини ҳисобга олишди-ю катта бир жамоа раҳбарлигига бу фазилатларнинг ўзи кифоя эмаслигини ўйлашмади. Улар билиб билмай янглишишди. Бу янглишиш элнинг назари тушган Алиёрга ҳам, у раҳбарлик қилган хўжаликка ҳам қимматга тушди. Оғир таассурот қолдирди. Хўжалик у раҳбарлик қилган йиллари олдинга эмас, нуқул ортга кетди. Алиёрнинг ўзи бўлса мисқоллаб йиққан обрў-эътиборидан айрилди.

У ҳақда одамлар орасида ажабтовур гап-сўзлар пайдо бўлди. Айтишларича, жамоа аъзоларидан бири раис ҳузурига кириб юз истеҳола билан рўзғорида бир хамир қоришлик ҳам уни қолмаганини айтиб ёрдам сураса у:

— Ҳозир қийин, — деб ҳамдардлик билдирибди раис, — бизникида ҳам нон йўқ. Бу ёғини сўрасангиз ўзим ҳам энамнинг пенсасига яшаб турибман.

— Раис болам, — дейди кекса сувчилардан бири оёғига ишора қилиб, — қаранг, этигим жуда тўзиб кетди. Сув киряпти. Янгисини олай десам ўзингиз биласиз, қўлимиз пул кўрмаяпти. Битта керза этик олишимга ёрдам беринг.

— Э, нимасини айтасиз, қийин, — дейди раис, — менинг ҳам этигим йўқ. Мана қаранг, укамнинг этигини кийиб юribman.

Раҳбар шундай дейди-ю машинасига ўтириб жўнаб қолади. Худди ўша оқшом «энасини пенсасига яшаётган», «укасининг этигини кийиб юрган» раис тўйга бориб чўнтагидан даста-даста эллик-юз сўмликларни чиқариб отарчилар чаккасини тўлдириб ташлайди. Ўша тўйда эса ойлигини ололмай юрган жамоа аъзоларининг кўпчилиги бор эди. Ўша куни этик олишига ёрдам беришини сўраган кекса деҳқон ҳам бор эди.

Ёз охирида бугдой режасини бажарган пудратчи деҳқонлар уни далада ўраб олишди:

— Бизнинг ҳақимизни қачон берасиз? Шунча дон етиштириб икки қўлимизни бўрнимизга тиқиб қолаверамизми?

Гап шундаки, жамоа хўжалиги билан пудратчи ўртасидаги шартнома бўйича йиллик режани бажарса унга ўзи етиштирган доннинг 20 фоизи натура ҳолида берилиши керак. Ҳақиқатда ҳосилнинг ҳаммаси тошириб юборилган эди. Ҳаққоний талаб раисни гангитди:

— Берамиз, — деди у, — албатта берамиз. Бугдой беролмаган тақдиримизда пулини берамиз. Жуда бўлмаса, ана шахсий «Волгам»ни сотиб бўлса ҳам сизларни рози қиламан!

Бу гап-сўзларни хўжаликда бўлганимизда жамоа аъзоларидан эшитдик. Деҳқон қўнгли очиқ, содда бўлиши билан бирга сезгир ҳамдир. Улар Алиёр Арслоновни қўрмаганнинг кўргани қўрсин қабилида иш тутаётганини, кечаги камтар, камсуқум йигитда одамларни менсимаслик, уларга баланд қараш, эл ташвишидан ўзини узоқроқ тутиш, калондимоғлик ва такаббурликдек қусурлар пайдо бўлганини, охир-оқибат бу яхшиликка олиб келмаслигини пайқашган эди. Шундай бўлди ҳам.

Узоққа бормай ўтган йил якунларига бир назар ташлайлик. Бир пайтлар тумандагина эмас, вилоятда ҳам машъал жамоалардан саналган, гектаридан 40-45 центнердан пахта берган хўжаликда сўнгги йилларда ҳосилдорлик кескин пасайди. Гектаридан олинган ҳом ашё 25 центнерданга тушиб қолди. 1995 йилдагидан 10 центнер, режага нисбатан эса 5,5 центнердан пахта кам етиштирилди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бир цетнер пахта таннархи 1329 сўм ўрнига 1927 сўмга етган. Йиғиштирилган 2126 тонна оқ олтиндан 27 миллион 96 минг сўм даромад қўрилгани ҳолда уни етиштиришга 41 миллион сўмга яқин харажат қилинган. Ёки бўлмаса, 2475 тонна ўрнига 2058 тонна дон олинди. Унинг бир цетнери 469 сўмга тушди. 1995 йилга нисбатан 299 сўм кўп маблағ сарфланди. Бугдойдан 6 миллион 403 минг сўм даромад олингани ҳолда уни етиштиришга қарийб 8 миллион сўмлик маблағ кетди. Хўжалик ташкилот ва корхоналардан 35 миллион 152 минг сўм қарз бўлиб қолди. Уч сўм сарфлаб ўн сўм эиён кўришдан кимга фойда? Ҳисобини билмаган ҳаменидан айрилар деганлари шу эмасми?

Бу нимани кўрсатади? Аввало раҳбарнинг одамлар қалбига йўл топа олмаганлигини, уларни ортидан эргаштира билмаслиги, қолаверса етакчилик маҳоратининг етишмаслигидир. Оқибатда хўжалик оғир аҳволга тушиб қолди.

Оддий деҳқондан, бригадирликдан раисликка кўтарилиб хўжаликни гуллатиб-яшнатган раҳбарлар қанча. Лекин А. Арслонов эл ишончини оқлай олмади.

Бир пайтлар ушбу сатрлар муаллифи ҳам вилоятдаги, республикадаги ҳамкасбларига эргашиб у ҳақда мақола, лавҳа ва очерклар ёзган. Шу туфайли Алиёр ва унинг хўжалиги ҳақида ушбу танқидий мақолани ёзиш нақадар қийин кечганини яширмоқчи эмасмиз. Мақсад, ҳар қандай киши имкониятларини чуқур ўрганмай уни лавозим билан «сийлаш» доим ҳам яхши натижаларга олиб келмаслигини, ҳурматли Президентимиз Наманган вилояти Кенгаши сессиясида алоҳида таъкидлаганларидек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида масъулият билан ёндошиш лозимлигини яна бир карра эслатишдир.

Яқинда Ширмоной Мирсултонова номли жамоа хўжалигида йиғилиш бўлиб, Алиёр Арслонов раислик вазифасидан олинди. Хўжалик аъзолари раис фаолиятига одилона баҳо бердилар. Назаримда, Алиёрнинг ўзи ҳам раислик қўлидан келмаслигини тушуниб етди. Ушбу мақолани ёзмасак ҳам бўларди. Ҳамма гап шундаки, Поп туманида ҳамон кадрларни танлашда иношма-иношарлик, вазифасини уддалай олмаган раҳбарларни яна яхшигина мансаб билан «тақдирлаш» иллатлари давом этяпти. Масалан, А. Ҳудойберганов номли жамоа хўжалигини «қулоғи»гача қарзга ботирган, бирон соҳада йиллик режаларнинг бажарилишини таъминлай олмаган Каримжон Жўраевни туман «Чорвасервис» корхонасига раҳбар, қўй-эчкиликка ихтисослашган «Чоркесар» жамоа хўжалигини тарқатиб юбориш даражасига етказган Мақсудали Юнусовни «Узбекистон» жамоа хўжалигига раис этиб қўйилганини қандай тушуниш керак?!

Ахир, каттадир-кичиқдир жамоа ё корхонага раҳбарлик қилиш ўйинчоқ ҳам, тажриба майдони ҳам эмас. Ҳар бир раҳбарнинг ортида одамлар бор. Уларнинг ташвишлари, муаммолари бор. Уз ўрнига тушмаган одам эса қош қўяман деб кўз чиқариб қўйиши ҳеч гап эмас!

Ортиқали НОМОЗОВ,
Поп тумани «Поп тонги» газетаси муҳаррири ўринбосари.

ВИЛОЯТ ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Фуқаролар йиғинининг хайрли тадбирлари

«ҚАШҚАДАРЁ ҲАҚИҚАТИ». Давлатнинг демократик асосларини ривожлантириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришни кенг йўлга қўйишда қишлоқ фуқаролар йиғинлари алоҳида роль ўйнамоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармонидан сўнг фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида уларнинг ташвиши янада ортди. Буни Яккабоғ туманидаги Хиёбон қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида кўришимиз мумкин. Кам таъминланган оилаларга ёрдам пулини тайинлашда адолатли иш тутиш учун бу ерда ҳамма иш қилинмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 20 та қишлоқда истиқомат қилаётган кишиларни ижтимоий ҳимоялаш қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари раҳбарлигида амалга оширилмоқда. Низомга кўра фақат кам даромадли оилаларга ёрдам пули берилмоқда.

— Миллий қадриятларимиз тикланмоқда, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зоҳид Файзиев. — Қишлоқларимизда маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари — сартарошхона, радио ва телевизор тузатиш, оёқ кийимлари тикиш ,тузатиш устахоналари мавжуд, янги ишчи ўринлари очиб ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Спортчиларга мукофот

«СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ». Яқинда вилоят ҳокимлигида вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Йиғилишга вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ва вилоят бошқармалари ҳамда ташкилотлари раҳбарлари таклиф этилди. Уни вилоят ҳокими У. Исмоилов бошқарди.Унда вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси А. С. Муравьев 1997 йилда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ахборот берди. Шундан сўнг вилоятда футболни ривожлантириш, олий табақада иштирок этаётган «Янгиер» ва биринчи табақада қатнашувчи «Гулистон» жамоаларига оталиқ ёрдами кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди. Йиғилиш сўнгида У. Исмоилов тэквандо (ИТФ), велоспорт ва бокс бўйича вилоят федерацияларига янги «Дамас» автомашиналари калитини топширди. Шунингдек, 10 дона велосипед, «Янгиер» футбол жамоасига эса «Нексия» енгил автомобили берилди. Олимпия резервидаги махсус БУСМнинг сузиш бўйича тренери Ирина Понаринага янги квартира калити топширилди.

Ҳаёт кўзгуси

«АНДИЖОННОМА». Ўз тарихини билмаган кишини маънавий баркамол деб бўлмайди. Маънавийлик музей билан чамбарчас тушунчалар. Айнан шу ерда кўҳна тарихимиз, миллий маданиятимизни ўша даврга оид ашё билан кўргазмали равишда билиб, тасаввур этиш мумкин. Музейнинг доимий ишлайдиган «Андижон табиати ва ҳайвонот дунёси» экспозициясида бўлган киши вилоят тупроқ қатламлари, қазилма бойликлари, сув манбалари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, деҳқончилик маданияти ва унинг кўҳна тарихи ҳақида жонли тасаввурга эга бўлади.

Амир Темур ҳаёти ва унинг тарихда тутган ўрни ҳақида маълумотлар берувчи кўргазмалар орқали буюк соҳибқиронинг Ватанни мўғул босқинчилари зулмидан озод этиш, Турон халқини бирлаштириш ,жаҳонга мўътабар қилишда оламшумул фаолиятини очиб беришга ҳаракат қилган, бундан ташқари ҳамюртларимизнинг иккинчи жаҳон урушида кўрсатган мардлик ва матонати ҳақида, «Андижон — мустақиллик даврида» ва бошқа кўргазмалар билан музей янада бойимоқда. Вилоят ҳокимлиги ёрдамида «Андижонтурист» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалик ходимлари учун 1 кунлик маданий ҳордиқ чиқариш саёҳати ташкил этилди. Музейда «Авлодлар учрашуви», «Ўз тарихингизни биласизми?» мавзуида қувноқлар ва зукколар танловини ўтказишга жиддий эътибор берилмоқда.

Хўжасизлик қачонгача?

«ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ». Мутахассисларнинг берган маълумотига кўра, вилоят жамоа, ширкатлар уюшмаси ва деҳқон хўжаликларида жами 42967 та қишлоқ хўжалиги техникаси бўлиб, шундан 13633 та трактор, 714 та дон йиғиштириш комбайнлари, 6993 та трактор тиркамалари, 823 та пахта териш, 453 та қўсак чувиш, 420 та қўсак териш машиналари, 4474 та юк ташувчи автомобил мавжуд. Лекин қимматбаҳо техникаларнинг сақланиши талаб даражасида эмас. Текширишларда мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли техника воситаларининг ҳайдовчилар томонидан ўзбошимчалик билан ишлатилиши, техника воситалари уйда, майдонларда қаровсиз қолдирилганлиги, эҳтиёт қисмларни талонторож қилиш, ёнилғи мойлаш материалларидан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Охунбобоев тумани хўжаликларида текшириш ўтказилганда қишлоқ хўжалик техникасини давлат андозалари талаблари асосида сақлашга қўйилмаганлиги аниқланди. Масалан, М. Умаров номли жамоа хўжалигида 929 сўм, «Дурмон» жамоа хўжалигида 999 сўм, Охунбобоев жамоа хўжалигида 2265 сумлик моддий зарар етказилганлиги маълум бўлди. «Дустлик» жамоа хўжалигида дала ишидан бўшаган 7 та қишлоқ хўжалиги техникаси сақлаш учун махсус жойларга қўйилмаган. Хўжасизлик панд берали. Қишлоқ хўжалиги юмушларининг ўз вақтида бажарилиши техника созлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни хўжаликлар раҳбарлари, мутасаддилар унутмасликлари керак.

Ниҳоллар ўтқазилаяпти

«СУРХОН ТОНГИ». Кўкаламзорлаштириш боғ-роғлар барпо этиш ҳар бир хонадон, хўжалик, ташкилот, муассаса ва корхона учун ҳам керакли, савобли юмушдир. Ватанимизнинг жанубий ўлкаси бўлган вилоятимизда шу кунларда кўчат экишга аҳамият берилмоқда. Тўрақул Бердиев боғ ҳакимлик қилаётган 1-вилоят шифохонасида анъанага биноан ҳар йили кўплаб турли хил кўчатлар ўтқазилади. Бу йил ҳам шифокорлар 500 туп манзарали дарахт, гул кўчатлари, 300 туп мевали дарахт ўтқазадилар.

НАФСНИ МАҒЛУБ ЭТГАН ИККИ УЛУҒ ЗОТ

«Соғ танда соғлом ақл» дейди доно халқимиз. Инсоннинг ҳар томонлама мукаммал бўлиши унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний камолотини назарда тутади. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамонлар Алпомиш, Рустам, Ғурғли ва бошқалар ақлан доно бўлиш билан бирга жисмоний жиҳатдан паҳлавон ҳам бўлишган.

Узоқ аждодларимиз кишининг ақлий ва жисмоний тарбиясини яхлит тасаввур қилишган. Бинобарин, подшолар ҳам жисмоний чиниқишга алоҳида эътибор берганлар. Қадимда жисмоний тарбиянинг қиличбозлик, чавандозлик, сувда сузиш, кураш, мерганлик каби турлари билан машқ қилганлар. Демак, комил инсон тушунчаси ўша замонларда ҳам ҳар томонлама мукаммалликни назарда тутган.

Шу муносабат билан қўйида адабиётимиз тарихида ўз асарлари билан ном қолдирган икки шоир — паҳлавон ҳақида сўз юритамиз.

Паҳлавон Маҳмуд 1247 йилда Хивада туғилган, таниқли рубоийнавис шоирдир. Бу йил унинг туғилганига 750 йил тўлади. Паҳлавон Маҳмуд шоирлик билан бирга паҳлавон — курашчи бўлган. Унинг паҳлавон сифатидаги шуҳрати нафақат Хоразмда, балки яқин атроф юртларда, жумладан Ҳиндистонда ҳам машҳур бўлган. Курашда ҳеч қачон елкаси ерга тегмаган. Шунинг учун ҳам у Пурейвалий (курашчилар пири), Қитолий (паҳлавонлар паҳлавони) таҳаллуслари билан шеърлар ёзган. Паҳлавон Маҳмуд ҳар қанча кучли бўлса ҳам ниҳоятда камтар, хокисор инсон бўлган. Унинг ягона мақсади ожизларга, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг дардига малҳам бўлишга интилиш эди.

Подшолик истасанг, бўл
эл гадоси,
Ўзингни унуту, бўл эл
ошноси.
Эл тож каби бошга кўтарсин
десанг,
Эл қўлин туткину бўл
ҳокипоси.

Шоир паҳлавонликнинг маъмунини ҳам ўз эътиқодича тушуниб, инсоннинг паҳлавонлиги курашда ғолиб чиқиш эмас, балки ўз нафсини енга олишида деб тушунади.

Дедим: айт, умрнинг маъноси
нима?
Деди: чақмоқ, ё шамъ, ёки
парвона.
Дедим: бу дунёга бино қўйган
ким?
Деди: ё гўл, ё маст, ёки
девона.

Иккинчи паҳлавон шоир Паҳлавон Муҳаммад бўлиб, буюк Алишер Навоийнинг энг яқин дўсти, устози, 40 йил давомида ҳамкор ва сафдош, ҳамкор бўлган оқил инсондир. Алишер Навоий ўзининг «Ҳолоти Паҳлавои Муҳаммад» асарини унга бағишлади. XV аср тарихий ва адабий манбаларда хабар берилишича, Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг билимдон, маданиятли ҳамда ғозал инсоний фазилатлар соҳиби, нодир шахслардан бўлган. У фалакиёт, математика, кимё, фалсафа, адабиётшунослик, санъатшунослик, ҳуқуқшунослик каби билимларда ном чиқарган.

Паҳлавон Муҳаммад адабиётда, сўз санъати тарихи ва илмида ҳам билимдон зот ва нафис ҳиссиётли ижодкор бўлиб, у Куштигир (Паҳлавон) таҳаллуси билан рубоий, қитъа ва маснавийлар ёзган.

Паҳлавон Муҳаммад Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳам ҳурматига сазовор бўлган. Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг меҳрибонлиги туфайли Ҳирот атрофидаги Неъматобод деган жойда Паҳлавонга катта ер-сув, мулк берилган. Паҳлавоннинг юзлаб кўштигир ва шогирдлари, ўнлаб хонанда ва созандалари бўлган.

Паҳлавон Муҳаммад 1493 йилда Ҳиротда вафот этади. Алишер Навоий шоир вафотидан сўнг ёзган «Соқийнома»сида унинг паҳлавонлик қудраги, камтарлиги, мусиқа ва шеъриятидаги маҳоратини таъкидлайди:

Ҳар бағир ёрасининг
марҳами ул,
Қирқ йиллик бу ғаза
ҳамдами ул...
Бари ҳамдамлар ичинда
ҳамдардим,
Ёриму ҳамнафасу
ҳамдардим.
Ҳажрида сабру қарорим
йўқтур,
Ғамда жуз нолаи зорим
йўқдур.

Улуғ шоир Алишер Навоийнинг юксак ҳурмат-иззатига мушарраф бўлган бу улуғ зот ҳам айнан ўзининг камтарлиги, нозиктаъб, меҳрибон ва дилкашлиги туфайли ҳазрат меҳрини қозонган бўлса ажаб эмас.

Юқоридаги икки паҳлавон шоир гарчи турли даврда ва ҳар жойда яшаб ўтган бўлсалар-да, уларнинг эътиқод ва дунё қарашида, инсоний хулқ-атвори, узаро эътиқодий яқинлиги бўлса, иккинчидан, уларни ғўё паҳлавонлик хислати узаро боғлаб турган каби ҳар иккалалари паҳлавонлик гаштини куч билан рақибни енгишдан ҳам инсондаги ёвуз душман-нафс балосидан фориғ бўлмоқ устун қўядилар. Ва нафсни мағлуб қилишни ҳақиқий паҳлавонлик деб тушунадилар.

Нафс. У қанчадан-қанча олиму фузалоларни, аҳли донишни йўлдан урмаган, осмонга олиб чиқиб ўрлик-ярликларга улоқтирмаган дейсиз. Ман-ман деган не-не инсонларнинг курагини ерга теккизган у. Шу маънода икки аждодимиз — шоир ва паҳлавонимиз қолдирган мерос биз учун ибратдир. Зеро, нафсини тийган, инсоф-диёнатли кишиларимиз қанча кўп бўлса, юртимиз кўрки ҳам шунча ошади.

Зиёд ИСМОИЛОВ,
доцент.

Хайрли ишни ҳар ким, ҳар куни қилмоғи жоиз

Қарши-Бешкент шоҳйўлининг шундоқ ёнида жойлашган «Сантехгазқурилиш» жамоа корхонасининг бошлиғи Озод Саидов қарийб 30 йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб эл ҳурматига сазовор бўлганлардан. У муборак Рамазон ҳайити арафасида яна бир хайрли ишни ниҳоясига етказди. Бешкент қишлоғи ва аҳолиси ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланди.

Қишлоқдаги Авлиёқул Саидов номли ўрта мактаб ўқувчиларининг қувончи чексиз. Илгари қуримсизгина бинода жойлашган бу мактабнинг ўқувчилари эндиликда замонавий илм даргоҳига эга бўлдилар. «Қаршиқурилиш» бошқармаси ташкилотлари ҳамкорлигида қурилган янги мактабни ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ишларини Озод Саидов раҳбарлик қилаётган жамоа бунёдкорлари амалга оширишди. Бу ерда қисқа вақт ичида 64 миллион сўмлик иш бажарилди. — Қуйи ва Юқори Бешкент қишлоқларида 1,5 километр йўл асфальтланди. 2,5 километрдан ортиқ тоза ичимлик суви учун қувурлар тортилиб, 18 километр табиий газ ўтказилди, — дейди «Пахтакор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Азамат Ризвонов.— Йиғин ҳудудидаги 5 та қишлоқда 12 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Истиқлол шарофати ила қишлоқда турмуш маданияти юксалмоқда, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз тикланаяпти. Утганлар ёдга олиниб, зиёратгоҳлар ободонлаштирилмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Бешкент қишлоғида қурилган янги мактаб биноси. 2. Мактаб ҳомийси О. Саидов ўқувчилар даврасида.

Муаллиф олган суратлар.

Маданият хабарлари

ТЕАТР САНЪАТИ КЎРИГИ

Анъанавий тус олган республикамиз театрларининг навбатдаги фестивали театр шинавандалари учун ҳақиқий байрамона кайфият улашди. Бу йилги «Навруз-97» театр фестивали аввалгиларидан фарқ қилиб соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган асарларни томошабинлар ҳукмига ҳавола этади. Халқимизнинг буюк тарихидан бир саҳифа сифатида тақдим этилаётган ушбу спектакларда ўша давр руҳияти, Амир Темурнинг улкан салоҳияти, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилинади.

Театр мухлислари фестивал давомида Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг «Буюк ипак йўли» спектаклини, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театри, Қорақалпоғистон Республикаси санъаткорлари ҳамда Қашқадарё вилоят Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги драма театрининг Абдулла Орипов асари асосида саҳналаштирилган «Соҳибқирон» асарини, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят давлат драма театрининг Тўра Мирза асари асосида саҳналаштирилган «Темур ва Тўхтамиш», сурхондарёлик санъаткорларнинг Абдунаби Қиличов асари асосидаги «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» спектаклини, сирдарёликларнинг Ҳусайн Жовид қаламига мансуб «Амир Темур», Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг «Фотиҳи Музаффар ва ёки бир париваш» қиссаси ва бошқа кўплаб асарлар билан танишишлари мумкин. Шунингдек, фестивалда томошабинлар қўшни Қирғизистон, Қозоғистон Республикалари театрларининг ҳам буюк бобокалонимизга бағишланган асарларини кўришга муяссар бўладилар.

Фестивалда бугунги авлод узоқ ўтмиш билан юзлашади. Тарихимизнинг энг ёрқин даврлари ҳақидаги янги маълумотларга эга бўладилар. Халқимизнинг ўғлонлари амалга оширган ишлар билан танишиб Ватанга муҳаббат, муқаддас юрт тупроғини авайлаб асраш ғоялари мужассам бўлган лавҳаларни томоша қиладилар.

* * *

Анъанавий «Навруз-97» театр санъати фестивалига қўшни мамлакатлар театр жамоалари ҳам ташриф буюрадилар. Пойтахт томошабинлари Қозоғистон Республикаси Чимкент қалъаси давлат драма театри саҳнага олиб чиққан «Амир Темур» спектаклини томоша қилишга мушарраф бўладилар. Исроил Сапарбоев қаламига мансуб мазкур спектаклда Амир Темурнинг ҳаёт йўли, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳаяжонларга бой саҳналарда ифодасини топган. Спектаклни иқтидорли режиссёр Аскер Кулдантегиев саҳнага олиб чиққан. Саҳна безакларини эса Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг рассоми Бахтиёр Тураев ишлаган.

* * *

Фестивал арафасида Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон давлат драма театри ижодий жамоаси Амир Темур ҳаёти ва унинг салоҳияти акс эттирилган «Замон ўғлони» деб номланган асарни саҳнага олиб чиқдилар. Туроб Акбархўжаев қаламига мансуб мазкур спектакл ҳам фестивал кунлари пойтахт театр шинавандаларига тақдим этилади. Амир Темурнинг ўсмирлик дамлари, унинг ватанга бўлган муҳаббати, муқаддас тупроққа эҳтиромлари акс этган спектаклни режиссёр Равшан Ёриев саҳнага олиб чиққан. Амир Темур образини эса иқтидорли актёр Искандар Султонов талқин этган.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



Аёллари соғлом, баркамол юртнинг нафақат бугуни, балки келажаги ҳам нурли бўлади. Вобкент туманида иш бошлаган Бухоро вилоят хотин-қизларини соғломлаштириш маркази ана шу йўлдаги эзгу юмушлардан биридир. Ушбу масканда бир йўла 120 нафар хотин-қизга малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ шифохонада беморлар учун барча шарт-шароит яратилган.

СУРАТДА: (чапдан) катта ҳамшира М. Ўринова ва шифокор Ф. Рашидовалар Ал-Бухорий номли жамоа хўжалиги аъзоси Ҳ. Аминова билан суҳбатлашмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Улкамиз табиатини биласизми?

ДУНЁДА ЯГОНА

Усимлик ва ҳайвонот дунёси, қўриқхоналарни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш республика Давлат қўмитасига қарашли Бухоро вилоятидаги «Жайрон» қўриқхонаси дунёда ягона ҳисобланади. Чунки бу ерда «Қизил китоб»га кирган камёб ҳайвонлар турига қирувчи жайронлар парвариш қилинибгина қолмай, уларни кўпайтириш юзасидан илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда.

— Май ойида қўриқхонамиз ташкил этилганига роппа-роса 20 йил тўлади, — дейди қўриқхона илмий ходими Наталья Солдатова. — Ҳаётимнинг бирор кунини қўриқхонасиз тасаввур эта олмайман. Чунки 20 йилдан буён шу ерда фаолият кўрсатаман. Бундан сира ачинмайман. Ҳамон эсимда. Илк бор 44 та жайрон мавжуд эди. Сўнг улар 1200 бошга етказилди. Дунёдаги кўпгина қўриқхоналар ва ҳайвонот боғларида қўриқхонамизда туғилиб, вояга етган жайронлар кўп, айни пайтда бу ерда 630 бош жайрон парвариш қилинмоқда.

Бугунги кунда қўриқхонани «Жайрон» экологик маркази деб аташади. Чунки бу ерда биргина жайронлар эмас, 11 бош Преживальск оти, 16 бош хачир (қулон), 6 та йўрға туғалоқ, битта «Нико» лақабли қоплон яшайди. Қўриқхонанинг ҳайвонот олами ҳам ўзгача. Кўрилон, ўқилон, қумилон, сувилон каби илонларнинг ўнга яқин тури мавжуд. Эчкиэмар, қўшоёқ, тошбақалар жуда кўп учрайди. Усимлик дунёсини айтмайсизми? 250 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Хуллас, қўриқхона ўзининг табиати ва ҳайвонот олами билан ҳар қандай кишини мафтун этади.

— Қўриқхонанинг умумий майдони неча гектар,— сўраймиз етакчи мутахассис Аваз Нарзиевдан.

— 5145 гектар. Шундан 90 гектар ер сувли, қолганлари асосан чўл, саксовулзор. 40 километр узунликдаги масофа муҳофаза учун сим билан ураланган. Бу йил республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг саъй-ҳаракати билан яна 20 минг очиқ ҳолатдаги жой қўриқхона учун ажратиб берилди. Бундан кўзланган мақсад шуки, Урта Осиё чўлларини биологик жиҳатдан тиклашга ва Оролни қутқаришга илмий ҳамда амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатишдир. Дарҳақиқат, илмий кузатишлар самара бермоқда. Айниқса, Орол бўйи ҳудудидаги экологик ҳолатлар бирмунча яхшиланяпти.

— Қўриқхонанинг усимлик ва ҳайвонот дунёси билан биргина республикамиз эмас, сўнгги йилларда чет эл олимлари ҳам қизиқиб, бу ерда илмий-кузатув ишларини олиб боришмоқда экан.

— Тўғри. 1993 йилгача россиялик олимлар ҳамкорликда иш олиб боришарди. Мана уч йилдирки, француз олимлари қўриқхонамизга ташриф буюришди. Улар орасида Франциянинг Узбекистондаги элчихонаси вакили Карим Баллул жайронлар бўйича, француз олимлари Ксавье Боне, А. Семперелар тошбақа бўйича илмий-кузатув ишларини давом эттиришмоқда. Улар билан ҳамкорликда ишлаш ижобий натижалар бермоқда. Франция Фанлар академиясининг қўмаги билан қўриқхонадаги барча кузатув ишлари компьютер ёрдамида бажарилмоқда.

— Қўриқхонада тажрибакор сайёҳ овчилар учраб турадими?

— Олдинлари шундай ҳолатлар бўлган. Улар қонун йўли билан жиноий жавобгарликка тортилганлар. Назоратчиларимизнинг қаттиқ кузатувлари ва қонуннинг таъсир кучи туфайли бундай сайёҳ овчиларнинг қораси учган.

Ҳа, мазкур қўриқхона она табиатнинг очиқ гўшадаги музейига айланган. Қўриқхона Аму-Бухоро каналининг шундоққина ёнгинасида жойлашган. Бу ерга келиб-кетувчи сайёҳлар сони йилдан-йилга ошмоқда. Оҳудек беғубор, мафтункор, камёб ҳайвон ҳисобланган жайронларни ким ҳам кўришни хоҳламайди дейсиз? «Нико» лақабли қоплонни, йўрға туғалоқ, хачир, Прежевальск отларини айтмайсизми?

Дарҳақиқат, мустақил республикамизнинг ҳайвонот ва ўсимлик олами ҳам кенг, ҳам бой. Ҳали урганилмаган сирсиноатлари кўп. «Жайрон» қўриқхонасида олиб борилаётган илмий кузатувлар натижасида Урта Осиё зонасидаги ва Оролбўйи ҳудудидаги қақроқ чўллар экологиясини яхшилаш, уларни тиклаш имкони туғилмоқда. Мафтункор жайронлари билангина эмас, ана шундай экологик марказ сифатида ҳам қўриқхона дунёда ягона ҳисобланади.

Ахрор САМАРИДДИНОВ.

ХАБАРЛАР

Малол келган бўлса...

Афанди бир боққа узум ўғирликка тушди, тўйиб егандан сўнг, саватини тўлдириб, девордан ошмоқчи бўлиб турганда, боғбон келиб қолди ва деди:

— Афанди девор ошиб, бировларнинг боғига тушиб юргани ўялмайсизми?

Афанди жавоб берди:

— Мен сизнинг бунчалик ҳафа бўлишингизни билмаган эдим. Девордан ошиб тушганим сизга малол келган бўлса, эшикдан чиқиб кета қолай, — деди-да, саватини кутариб, эшикдан чиқиб кетди.

Бир қалам уриш билан

Афанди қишлоқда ферма мудири билан енма-ен ўтириб қолди. Кўз бойлагич шляпага каптар солиб, уни қўйнига қилиб чиқарган эди, ферма мудири қийқириб юборди:

— Қойилман-э, ҳунарингга, шоввоз.

Афанди унинг елкасига оҳиста уриб, кулди:

— Нега ҳайрон бўласиз, Соливой, ўзингиз бир қалам уриш билан фермадаги бузоқни новвос қилиб юборасиз-ку.

* * *

ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ЭНГ КАТТА

Энг қадимги соатни милодий 725 йилда хитойлик усталар И. Син ва Лан Линзанлар ясашган.

* * *

Дунёдаги энг катта соат Франциянинг Бове шаҳридаги Авлиё Петр ибодатхонасида урнатилган. Фаранг соатсозлари томонидан 1865—1868 йилларда ясалган ушбу соат 90 минг дона деталдан иборат бўлиб, бўйи 21,1, эни эса 6,09 метрни ташкил этган.

* * *

АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги «Интернэшнл сквер» биносида ўрнатилган 15,54—15,54 —15,54 метр ўлчамли соат эса ўзининг бақайбатлиги билан кўпчиликни ҳайрон қолдирган. Бинонинг беш қаватини эгаллаган ушбу соат компьютер ёрдамида бошқарилади. Ҳайкалтарош Жон Сейфер томонидан яратилган бу мўъжизанинг оғирлиги 2 тонна бўлиб, у дунёнинг турли бурчакларида жойлашган ун иккита шаҳардаги вақтни аниқ кўрсатишга қодир.

Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳи томонидан Турдибоев Абдуллага 1977 йилда берилган Б—1 859304 рақамли йўқолган диплом бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Ёғ-Дув» хусусий корхонаси тугатилади. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Телефон: 36-08-77.

Шарқнинг буюк фарзанди Абу Бакр Розий (865 йили туғилган) ёшлик чоғларидан мутолаага қизиқиб, кўплаб толиби фозилларнинг асарларини ўқиди, сўз сеҳрига, адабиётнинг қудратига мафтун бўлди. Ёшлари анчага борганида у киши тиббиётни эгаллаб, шу илмнинг султони бўлдилар. Ўша даврнинг донишмандлари Абу Бакр ҳузурларида тез-тез бўлиб туришар, ул муҳтарам зотнинг пурмаъно фикрларидан баҳраманд бўлар эдилар.

ИНСОН ҚАЛБИ

Тиб илмининг султони Абу Бакр Розий ҳикоятлари

— Осмонга ихлос қўйдим, — дедилар Абу Бакр Розий. — Яшаб турган она ерга ихлос қўйдим.

— Хўш, нима наф топдингиз?

Абу Бакр айтдилар:

— Осмонга ихлос қўйиб, етти фалакка ниҳоятлашдим. Куч-қувватим, ақл-заковатим билан ўша фалакка қўл чўздим.

Лекин ҳеч бир наф кўрмаслигимга имоним комил бўлди. Она-еримнинг энг чуқур қаърига етмоқчи бўлдим, унга ҳам етолмаслигимга имоним комил бўлди. Ниҳоят, қодир табиатга тан бердим. У инъом этган ноз-неъматлардан кучим етганича баҳраманд бўлиб, фаровон яшашга аҳд қилдим. Менга на мунажжимлик, на жўғрофия ёқмай қолди. Кимёгарлик энг олижаноблик, одамларга саховатлилик, деб билдим.

Кекса донишманддан сўрашди:

— Кимёгарлик сизга нима наф келтирди?

Абу Бакр Розий деди:

— Кимёгарликнинг кўп хислати бор. Кимёгар одам мўъжиза яратувчи. У тупроқни зарга, зарни тупроққа айлантиради.

Бир куни бир кимёгар билан учрашиб қолдим. У деди:

— Қўлингизда мис чақа борми?

— Бор.

— Менга беринг, уни олтинга айлантириб бераман.

Кимёгар мис чақани олиб, бир суюкликка ботирдида, сап-сариқ олтинга айлантириб қўлимга тутқазди.

— Кўр, мис чақа олтинга айланди. Энди ҳақини беринг.

Ҳақини бердим. Уни сотмоқ учун заргарга олиб бордим. Заргар «Олтин танга»ни синаб билмоқ учун бир суюқликка ботирди ва деди.

— Бу олтин эмас, мис чақа экан, тилингни остига солиб сўриб юр!

Ё алҳазар, энди тушундим. Кимёгар: «Кўр, мис чақанг олтинга айланди» деганда, мени «кўзинг кўр» деганини тушунмаган эканман. Шундан кейин кўзим очилди.

Кекса донишманддан яна сўрашди:

— Кўзингиз очилгандан сўнг нима қилдингиз?

— Оламнинг гултожи инсонга хизматга отландим. Шифокорликни ихтиёр этиб, одамларни даволашни ўйладим. Билдимки, инсон қалбидан азиз нарса дунёда йўқ экан.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлаган.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ХУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқўзаликтаъминоттузатиш» давлат—ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 074, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6.